Франциялик меҳмон эътирофи

— Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ. Республикада амалга оширилаётган улкан ва ажойиб ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар ҳамда саноат тараққиёти шундан далолат бериб турибди, — дейди Самарқандга ташриф буюрган Франция иқтисодиёт молия ва саноат вазирлигининг давлат маслаҳатчиси Кристиан Пъерре.

Мартабали меҳмон бошлиқ делегация аъзолари кўҳна ва навқирон Самарқанднинг асори-атиқалари ҳамда диққатга сазовор жойларини ҳайрат билан кўздан кечирдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Анжуман самара берди

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят фан ва техника маркази ҳамкорлигида Маъмун академиясида ўтказган республика илмий-амалий анжуман Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари мавзусига бағишланди.

Анжуманда қўзга кўринган олимлар, мазкур тармоқнинг билимдонлари турли мавзуларда маърузалар ўқишди. Илмий-техника янгиликларини ўзлаштириш, уларни халқ хўжалиги соҳаларига жорий этиш, янги товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан керакли маслаҳатлар берилди. Шу ерда очилган кўргазмада замонавий технологиялар, инновацион тадқиқотлар, янги товарлар намойиш этилди.

Илмий-амалий анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги Патент идорасининг ҳамда илмий-техника ахбороти Давлат фондининг вилоят бўлимлари очилди.

Маъмун академияси олимларига инновацион лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида иккита грант топширилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Режа уддаланди

Қибрай тумани ғаллакорлари шу кунларда ўн бир минг тонналик ғалла учун қизғин курашни бошлаб юборишди. Қаҳрамон Алимбеков раҳбарлик қилаётган Р. Мусамуҳаммедов номли жамоа хўжалиги ҳамда «Лимончилик» жамоа хўжалиги йиллик режани ошиғи билан амалга оширдилар.

Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан туманда йиғин бўлиб ўтди. Туман ҳокими Мирзомашраб Қуччиев сўзга чиқиб:

— Ғалла ризқу-рўзимиз, мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш учун ҳар бир фуқаро фидойилик қилиши керак. Доннинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш бурчимиз ҳамда даромадимизни белгилайди. Яхши навли буғдой топширсак 160 миллион сўм даромад қилишимиз мумкин. Бу фақат давлатга сотадиган, яъни 730 минг тонна ғалламизнинг баҳоси, — деди.

Фидойилик фақатгина меҳнат унумдорлиги эмас, яхшигина даромад қилиш манбаи ҳам эканлиги Мирзомашраб аканинг гапидан маълум.

Зокир БЕРДИЕВ,
Қибрай тумани.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 17 июнь, пайшанба • № 71 (24.466).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Истиқлол имкониятини англадик

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида бир гапни айтиб ўтдилар: ***«Жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз»,*** — дедилар у киши.

Ҳа, чиндан ҳам жамият тараққиётида инсоннинг ўрни, унинг дунёқараши муҳим аҳамиятга эга. Аввало маърифат йўлини танлаб, кишиларнинг ижтимоий онгида ижобий ўзгаришлар пайдо қилишнинг ўзи бўлмайди. Одамлар биз қайси йўлдан бораётганимизни, нималарга эришганимиз ва олдимизда қандай вазифалар турганлигини тушуниб етишлари лозим.

Кишиларни даврнинг ўзи тарбиялайди. Фақат давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни тўғри англаб, кўзлаган мақсадларни ҳис қилиб ҳаётимизда фаол ҳаракат қилсак, амалий натижаларга эришсак нур устига аъло нур бўлади.

Одамларнинг ўзлари гувоҳ. Қишлоқ жойларда содир бўлаётган ўзгаришлар, қурилишлар, янгиланишлар халқнинг кўз ўнгида бўй кўрсатаяпти. Муҳими, кишилар истиқлол имкониятларини англадилар. Ҳар ким камчиликни, хатони бугун ўзидан қидириши керак. Меҳнат қилган, тиниб-тинчимаган одам бугун оиласи, қавму-қариндошлари, ҳамқишлоқлари олдида ер чизиб қолмайди. Оддий мисол, томорқаси бир хил, имконияти тенг, икки хил оила орасидаги тафовутни бугун нима билан белгилаш мумкин? Гап яна меҳнатга, замонни тушуниб меҳнат қилишга бориб тақаляпти.

Сессияда юртбошимиз томонидан таъкидлангани каби, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи асосий йўналишлардан бири бўлиб қаралмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар негизида халқимизнинг янада яхши яшаши, келажаги учун қайғуриш ҳукумат даражасига олиб чиқилиши ҳам, бизнинг адолатли, инсонпарвар жамиятда яшаётганимиздан далолатдир.

Шу билан бирга юртимизда тинч ва осуда кунлар бардавомлиги ҳар бир юртдошимизнинг айни кўнгил ҳоҳиши, уларга улкан меҳнатларни амалга ошириш учун куч-қувват бахшида этади.

Зиёдулло ЎРОҚОВ,
Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» фуқаролар йиғини раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи юзасидан» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги қарорига мувофиқ Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан парламент ҳузурида Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссияси тузилди ва унинг Низоми тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. Полвонзода комиссия раиси этиб тасдиқланди.

16 июнь куни комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ишини ташкил этиш борасидаги вазифалар тўғрисида комиссия раисининг ахбороти тингланди. Комиссия аъзолари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлов жараёнининг тортишув принципларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш, қонунчиликни такомиллаштириш йўллари тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Олий Мажлис Кенгашининг топшириғига биноан комиссия бир ойлик муддат ичида ўзининг фаолият дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Мустақиллик манзаралари

Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси. *Икром ҲАСАНОВ олган сурат*

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Шри-Ланка қирғоқларидан 300 км. нарида юк кемаси фалокатга учраши оқибатида Украинанинг 11 нафар фуқароси дом-дараксиз йўқолди. Команданинг қолган 7 аъзосини яқин орадаги кема қутқарди ва Бирмага олиб келди. Йўқолганларни қидириш давом этяпти, деб хабар берди «Озодлик» радиоси.

***

Автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда учинчи ўринда турган «Тойото Мотор» япон корпорацияси Россияда автомобиль йиғишни йўлга қўйиш режасидан воз кечди, деб хабар берди кеча Токиодан Блумберг ахборот маҳкамаси. Ўтган йили корпорация Россияда йилига мингта юк автомобили йиғадиган завод қуриш юзасидан қарор қабул қилган эди. «Тойото Мотор» вакилининг сўзларига кўра, бундай қарор қабул қилинишига сабаб, Россиядаги сиёсий ва иқтисодий беқарорликдир.

***

Яқинда АҚШ Президенти Билл Клинтон Европа бўйлаб сафарга чиқади. У бу сафарда ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Болқон қандай бўлиши ҳақидаги таклифлар билан бормоқда. Шанба ва якшанба кунлари у Кельнда бўлиб ўтадиган Катта саккизлик кенгашида қатнашади. Бу ерда у Югославияни тиклашга мувофиқлаштирилган ҳолда ёндошишга ҳаракат қилади, деб кутилмоқда. Шунингдек, Клинтон Женевада Халқаро меҳнат ташкилотининг йиғилишида болалар меҳнатини таъқиқлаш юзасидан сўзга чиқиши режалаштирилган. У Францияга ва НАТОга кириш учун навбатдаги номзод бўлиб турган Словенияга ҳам ташриф буюради, деб хабар қилади Би-Би-Си радиоси.

***

Ўтган якшанба куни Украинада шу йил 31 октябрга белгиланган давлат бошлиғи сайловларига қатнашувчи даъвогарларни рўйхатга олиш тугалланди. Марказий сайлов комиссияси вакилининг хабарига кўра, олий давлат лавозими учун курашувчи 18 сиёсий арбоб рўйхатга олинган. Даъвогарлар рўйхатини ҳозирги Президент Леонид Кучма бошқаряпти. Коррупцияда айбланганидан сўнг, февралда Украинани тарк этган собиқ бош вазир Павел Лазаренко даъвогарлар рўйхатида йўқ. Даъвогарларнинг ҳар бири 13 июлга қадар Марказий сайлов комиссиясига ўз номзодларини қўллаб-қувватловчи камида бир миллион имзо тақдим этишлари лозим, деб ёзади «Известия» газетаси.

Суд давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президентига ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари ҳаётига ҳамда Конституциявий тузумга тажовуз қилиш, қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очиқ суд мажлиси тарафларга: прокурор, адвокатлар, жабрланувчилар ва судланувчиларга музокараларга тайёргарлик кўриш учун берилган бир ҳафталик танаффусдан сўнг, 16 июнь куни суд мажлиси давом эттирилди.

Тарафларга музокара учун сўз берилди. Музокарада сўзга чиққан прокурорлар — адлия катта маслаҳатчилари Б.Зоҳидов ва Н.Бобоев судланувчиларнинг содир этган жиноий ҳаракатларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, уларни уюшган қуролли гуруҳларни бирлаштириб, жиноий уюшма ташкил қилиш ва Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида зўрлик ишлатиб, одамлар ўлимига сабабчи бўлган террорчилик ҳаракатларини содир этиш, мамлакат Президенти ҳаётига тажовуз қилиш, қўпорувчилик, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, уюшган гуруҳлар таркибида фуқароларнинг уйига қуролли ҳужум қилиб, уларнинг мулкини эгаллаш, миллий, этник адоват уйғотиш, контрабанда, ҳокимиятни босиб олиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ағдариш мақсадида фитна уюштириш, белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликлари суд мажлисида ўз исботини топган деб ҳисоблаб, судланувчиларнинг барчасига, уларнинг ҳар бирининг содир этган айбига қараб жазо турларини қўллашни сўрадилар. Барча жабрланувчилар прокурорларнинг фикрларини қўллаб-қувватладилар.

Суд мажлисида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари қатнашмоқда.

Тарафларнинг музокара сўзлари давом этмоқда.

(ЎзА)

«911» хизматга шай

Яқинда пойтахтимизда аҳоли хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида яна бир хайрли ишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлардан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ўз вақтида огоҳлантириш ҳамда ички ишлар бош бошқармаси, тез тиббий ёрдам ва шаҳар авария хизматлари (алоқа, сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти) кучларини мувофиқлаштириш мақсадида Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тасарруфида 52 кишидан иборат бўлган махсус «911» қутқарув хизмати» ташкил қилинди.

Иқтисод ва статистика ҳамда молия бош бошқармаларига қутқарув хизматини махсус мосламалар, асбоб-ускуналар, алоқа воситалари ва махсус кийим билан таъминлаш учун маблағ ажратиш вазифалари юклатилди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Э.Ж.Икромов билан суҳбатлашдик.

— Эргашвой Жумабоевич, Тошкент шаҳар ҳокимининг «911» қутқарув хизматини тузиш ҳақида»ги қарорида асосан қандай мақсадлар кўзда тутилган?

— Бошқармамиз томонидан «Қутқарув хизматини тузиш ҳақида» махсус низом ишлаб чиқилди ва ҳокимликка тавсия қилинди.

Мазкур низомга кўра, қутқарув хизматининг асосий вазифаси ва уларни бажариш тартиби белгиланиб, шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ташкил қилинади ва тугатилади. Иш тартиби 24 соат бўлиб, кечаю-кундуз навбатчилик жорий этилади. Бундан ташқари, махсус тезкор транспорт воситалари, огоҳлантириш, махсус товуш ва белги бериш мосламалари, кучли гапириш қурилмаси, алоқа воситаси ва бошқа ускуналар зарур. Ана шундан сўнг тезкор-қутқарув ва профилактик тадбирлар олиб боришга қулай шароит яратилади. Ҳозирча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб турибмиз. Янги қутқарув хизмати яқинда иш бошлаганига қарамай, ҳозирданоқ фуқаролар мурожаат қилмоқдалар. Бундан икки ҳафта олдин кеч соат еттиларда «911» қутқарув хизматининг навбатчилик қисмига пойтахтимизнинг Нукус кўчасида истиқомат қилувчи Ф.Бошчаева деган аёл қўнғироқ қилиб қолди. Маълум бўлишича, уй бекаси ўзи яшаб турган хонадон темир эшигини беркитиб, қўшнисиникига чиқиб кетади. Калитини эса унутиб қолдиради. Ёниб турган газ плитаси устига қиздириш учун ёғ қўйгани эсига тушиб, ўзини йўқотиб қўяди. Вақт ғанимат. Нима қилиш керак? Шунда у маълумотлар бюросига қўнғироқ қилиб маслаҳат сўрагани ҳида «911» қутқарув хизматига мурожаат қилиш керакligини айтишади.

Қутқарув гуруҳимиз тез етиб келиб, зудлик билан ишга киришди. Табиийки, шу ҳолатга кўра кўп қаватли уйнинг еттинчи қаватида ёнғин содир бўлиши ва бошқа кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши турган гап. Шунда қутқарувчилар эшикни бузиб киришдан кўра, зудлик билан махсус асбоблар ёрдамида саккизинчи қават орқали тушишни афзал кўришди. Бу усул оз вақт талаб қилгандан ташқари, иқтисодий зарар ҳам кам бўлишига олиб келади. Шу тариқа юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг олди олинди.

— Эргашвой ака, халқимизда «ҳамкорликда ҳикмат кўп» деган нақл бор. Қутқарув ишларини авария-қутқарув навбатчи хизматлари ўртасида бевосита алоқани кечаю-кундуз, узлуксиз таъминлаш ташкил қилинади. Энг муҳими, хавф туғилганда аҳолига биринчи навбатда зудлик билан зарур ёрдам кўрсатиш, керак пайтда қўшимча кучларни жалб қилиб, эвакуация (кўчириш) ишларини олиб бориш асосий вазифамиздир. Шаҳар ташқарисидан келиб зарар етказиши мумкин бўлган айрим офатларнинг олдини олиш ва уни пухта ўрганиш ҳам бизнинг хизматимиз доирасига киради. Бунинг учун ўз соҳасини ҳар томонлама чуқур биладиган малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам режалаштирганмиз. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Баҳодир Қосимов ҳам бизни тўла қўллаб-қувватлашини, барча соҳада имкон даражасида ёрдам беражагини айтди.

Техноген тусдаги офатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари (Тошкент трактор заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар) да профилактика ишлари олиб борилаяпти. Темир йўл, ҳаво йўллари ва метрополетин тизимида ҳам аниқ режалар асосида фаолият кўрсатяпмиз.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, шаҳримизда улкан ишлаб чиқариш корхоналари бисёр. Ҳар бир завод ёки фабрикада фуқаро муҳофазаси бўлими мавжуд. Улар фаолият кўрсатаётган корхонанинг ҳудудий тузилмаси ва шарт-шароитларини яхши билишади. Зарур пайтда биз уларга содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва бошқа масалалар бўйича тавсиялар бериб, огоҳлантириб боряпмиз. Табиийки, бу ўз самарасини бермай қолмайди. Бунинг учун албатта биз ҳар қандай шароитда ҳам доимо шай, ҳушёр туришимиз талаб этилади. Бундай масъулият бизнинг чекимизга тушгани учун ҳам бефарқ бўлолмаймиз. Чунки лоқайдлик, боқибеғамлик жуда қимматга тушиши мумкин.

— Табиийки, баҳор-ёз ойлари бошқа фаслларга қараганда хавфлироқ мавсум ҳисобланади. Бу борада пойтахтда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Маълумки, шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида» мажлис ўтказган эди. Ана шу долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда айрим ишларни бажаришга эришдик. Эътиборли томони шундаки, айни пайтда ишлар қизғин кетяпти. Шуни айтиш жоизки, пойтахтимиз ҳудудидан 50 дан зиёд канал ва катта ариқлар оқиб ўтади. Шундай экан, хотиржамликка берилишимиз керак эмас. Чунки ариқ ва каналларда баҳорда сув тошқини хавфи, ёз пайтлари эса унинг атрофи одамлар билан гавжум бўлиб, бу ерда турли кўнгилсиз воқеаларнинг юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан ҳокимнинг биринчи ўринбосари А.Миржалилов бошчилигида барча кучлар жалб этилиб, коллекторлар, ҳовузларнинг ости ва қирғоқларини тозалашга киришилди. Ҳозирги кунда Юнусобод ва Собир Раҳимов туманлари ҳудудидан оқиб ўтадиган Қорақамиш коллекторида тозалаш ишлари поёнига етяпти. Яқинда Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш даҳаси 2/4 мавзеси рўпарасидан оқиб ўтадиган дренаж коллекторини тозалаш жараёнида 1971 йилда ишлаб чиқарилган Калашников автомати топиб олинди ва ички ишлар органларига топширилди. Қолган ҳудудларда ҳам аниқ режалар асосида жойлардаги ҳокимликлар томонидан тозалаш ишлари олиб бориляпти.

Пировардида, шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, пойтахтимиз раҳбар ходимларининг муайян иш олиб боришлари учун бошқармамиз ўқув марказида ўқитиш ва қайта тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Ўтган беш ой ичида 2500 дан зиёд раҳбар ходимлар қайта тайёрланди. Ҳозирги кунда шаҳар ҳокимлиги ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўрсатмаларига асосан «911» қутқарув хизмати» га ўттиздан ортиқ ходим қабул қилиниб, уларнинг ўқуви ташкил қилинди. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб янги қутқарув хизмати пойтахтимиз аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кечаю-кундуз холис хизмат қилишга жалб этилади.

Азамат СУЮНОВ суҳбатлашди.

Хабарингиз борми?

олиб боришда яна қандай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган?

— Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар хавф туғдирганда ёки рўй берган тақдирда ички ишлар бош бошқармаси, тез тиббий ёрдам ва шаҳар ҳокимлиги

Танқид ва ошкоралик руҳида

Ҳозир ютуқлардан ҳаволанадиган пайт эмас. Ўтиш даври ҳар биримиздан жон куйдириб ишлашни, миллий истиқлолимиз абадийлигига муносиб ҳисса қўшишни тақозо этмоқда.

Афсуски, Учқўрғон тумани... ривожланиб кетолмади. Бошқа туманлардагига ўхшаб катта-катта иморатлар бунёд этилмади. Иқтисодий соҳаларда орқага кетишлар содир бўлди: йирик йигирув-тўқув, Қайқи тикувчилик фабрикаси, атлас тўқиш корхонаси, кўплаб маиший хизмат шаҳобчалари тўхтади. Йирик қурилиш ташкилотлари кўп ҳолларда фаолиятсиз туриб қолмоқда. Олдинлари бутун республикага донғи кетган Учқўрғон бозорининг файзи кетган. Туманда ишсизлар сони ортмоқда. Ҳозиргача бирорта қўшма корхона ташкил этилгани йўқ. Шаҳар ободончилиги билан кўл учида шуғулланилгани учунми, туман маркази кўркига соя тушган. Туман раҳбарлари кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш билан шу қадар «жиддий» шуғулланганларки, масалан, тумандаги «Учқўрғон», «Андижон« жамоа хўжаликлари раислари кейинги икки йилда уч марта алмаштирилган, «Янгиобод» жамоа хўжалиги раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Н. Алихонов ўрнига соҳани яхши билмайдиган Ж.Мирзааҳмедов раҳбар бўлгач, 1998 йилда хўжалик кўрсаткичлари орқага кетган. Яқинда бу хўжаликда яна раҳбар алмашди.

Табиийки, юқоридаги нохуш ҳолатлар халқнинг назаридан четда қолмади, у барчани ташвишга солмоқда. Шу боис ҳам туман партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясидаги маърузада ҳам, музокарада сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳам асосий гап юзага келган вазиятни тезроқ бартараф этиш ҳақида бўлди. Маърузачи, шунингдек, партия ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо берар экан, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий соҳадаги ижобий ишларни ҳам таъкидлади. Жумладан, туман партия кенгашида ўқув маркази очилгани ва ҳозиргача бу ерда ташкилот, корхона ва хўжалик раҳбарлари ўқитилгани, кенгаш пленумлари, ижроия бюро йиғилишлари кескин танқид, баҳс-мунозарали тарзда ўтгани, «Маънавият ва маърифат» марказларининг 58 тага етиши айтиб ўтилди.

— Шундай бўлса-да, — деди музокарада сўзга чиққан Қайқи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаюмжон Иброҳимов, — ҳудудимиздан диний ақидапарастлар чиқиб қолаётгани биз, партия аъзоларини ташвишга солмоқда. Демак, мафкуравий ишни чуқурроқ, мазмунлироқ олиб боришимиз керак. Конференцияда сўз олган «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ҳабибулло Солиев эса аҳолига саккиз турдаги озиқ-овқат моллари-ни етказиб беришда мавжуд бўлган камчиликларни қоралади, спорт ишларига эътибор сусайганини танқид қилди.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Конференциядаги ишчанлик руҳидан кўриндики, танқидий муносабатни айтиб қўйиш билан иш битмайди, амалий ишларга эса 4400 дан ортиқ партиядошларни олға бошлаш керак. Ўйлаймизки, бунинг учун туман кенгашида ва бошланғич партия ташкилотларида етарли куч ва ирода топилади.

Конференцияда туман ҳокими Баҳодир Охунов сўзга чиқди.

Ташкилий пленумда Тожимуҳаммад Маткаримов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шу кунларда: Когон, Арнасой, Конимех, Пахтачи, Тойлоқ, Бандихон, Жарқўрғон, Шайхонтохур, Акмал Икромов, Ҳамза, Тошлоқ, Деҳқонобод, Мўйноқ туманлари ҳамда Олмалиқ, Фарғона шаҳар, Ёшлик талабалар шаҳарчаси партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди.

Уларда тегишли шаҳар ва туман партия кенгашлари, партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари ҳисобот маърузалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ахборотлари муҳокама этилди, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, мазкур анжуманларда шаҳар ва туман партия кенгашлари, тегишли партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари янги таркиблари шакллантирилди, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайланди, юқори партия органларига вакиллар юборилди.

Мазкур конференцияларда Когон тумани ҳокими Х. Равшанов, Жиззах вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И. Умурзоқов ва Арнасой тумани ҳокими Р. Есенқулов, Конимех тумани ҳокимининг биринчи муовини У. Умаров, Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Пахтачи тумани ҳокими Э. Умматов, Тойлоқ тумани ҳокими Ж. Ашуров, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Ш. Юнусов ва Бандихон тумани ҳокими А.Чоршанбиев, Жарқўрғон тумани ҳокими А. Маматов, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов ва Шайхонтохур тумани ҳокими М. Одилов, Тошкент шаҳар партия кенгашининг иккинчи котиби В. Медведев ва Акмал Икромов тумани ҳокими А. Маҳмудов, Фарғона вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби З. Абдуллаева ва Тошлоқ тумани ҳокимининг муовини Ў. Усмонов, Деҳқонобод тумани ҳокими Х. Ғаниев, Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг биринчи котиби А. Асанов ва Мўйноқ тумани ҳокими У. Калмуротов, Тошкент вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Р. Солихов ва Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю. Беланов, Фарғона вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Игамбердиев ва Фарғона шаҳар ҳокими А. Мўминов, Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокими А. Акрамхўжаев иштирок этдилар.

Ушбу конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, А. Аҳмедов, Б. Мухторов, Ш. Ермаков, И. Самаев, А. Зоҳидов, О.Омонов, А.Маматмуродов, Х. Бобохонов, М. Ёқубов, Ш. Файзиев, Х. Рустамов, Н. Янгибоев, А. Ниетуллаев, Т. Маматқулов, А.Шодиев, А. Толаметов сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Уюшқоқлик ва фаоллик — бош омил

Партиянинг куч ҳамда нуфузи жойларда, асосан, аъзоларнинг уюшқоқлик, жипслик, фаоллик даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Буни биргина Бухоро шаҳар партия ташкилоти мисолида изоҳласа ҳам бўлади. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Робия Козимова билан мулоқотимиз айнан шу хусусда бўлди.

— Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бошланғич партия ташкилотлари котиблигига янгича фикрловчи, изланувчан, ташаббускор, фидойи, иймон-эътиқоди бутун инсонлар сайланди, — деб сўз бошлади у. — «Бухоротекс», «Бухороёг» «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятлари бошланғич партия ташкилотлари, айниқса, жанговор кучга эгалиги билан фахрланамиз. Бу жамоаларда партия аъзоларининг фидокорона меҳнати эвазига корхоналар шуҳрати хорижгача ёйилган. «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова, «Бухоровилоятгаз» ҳиссадорлик жамияти партия ташкилоти котибаси Валентина Голованова, Бухоро тиббиёт институти партия ташкилоти котибаси, иқтидорли олима Зинаида Қосимова, «Бухоросут» ҳиссадорлик жамияти партия ташкилоти котибаси Мусаббия Музаффарова, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими партия ташкилоти котибаси Ҳабиба Ботирова сингари ўнлаб жонкуярлар номини тилга олиш ўринли ва фахрлидир. Партиямизнинг бундай фидойиларидан ёшлар ибрат олмоқдалар.

— Дарвоқе, ёшларга эътибор қандай?

— Партиямизнинг қуйи

Партия ҳаёти

бўғинларида тарбиявий ишларни кучайтирдик. Шаҳардаги 54 та маҳаллада ташкил этилган ўндан зиёд ҳудудий партия ташкилотлари кучи ёшларни жипслашишга, касб ўрганишга, сафларимизни тўлдириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Шу боис ҳар йили сафларимиз ёшлар ҳисобига кенгаймоқда. Бултур қарийб 300 киши ўз тақдирини партиямиз тақдири билан боғлаганди. Ҳозир сафларимиз 3200 кишидан ошди.

— Аёллар йилида шаҳар партия кенгаши қандай тадбирлар кўраяпти?

— Гапни, аввало, Оила йилидан бошласам. Шаҳримизда 200 га яқин корхона ва ташкилот мавжуд. Ана шу жамоаларда жонли мулоқотлар, суҳбат ва учрашувлар ташкил этилди. Форс-тожик, рус, корейс, яҳудий, туркман миллий марказлари вакиллари билан ўтказилган учрашув ҳаммада катта таассурот қолдирди. Бунда сўзга чиққан оила бекалари ўзларининг миллий маданият ҳамда умрбоқий анъаналари ҳақида тўпланганларга сўзлаб бериш билан бирга, чеварликларини ҳам намойиш этдилар.

Оила йилида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар кўлами анча кенгайди. Бу йил эса — Аёллар йили. Ўтган икки йил сингари бу йил ҳам аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаш эътиборимизда. Партиямиздан Бухоро шаҳар Кенгашига сайланган халқ депутатлари бу борада амалий фаолият кўрсатишяпти. Ичимлик сув, газ, электр энергия муаммолари ҳал этилиб, аҳоли хурсанд бўлмоқда.

Уюшқоқлик ва фаоллик — фаолиятимизнинг бош омилидир. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган шаҳар партия конференциясида ҳам сўз борди, галдаги вазифалар белгиланди. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам ислоҳотларни чуқурлаштириш ва унинг самарадорлиги учун 126 та бошланғич партия ташкилоти ўз фаоллиги ва жанговарлигини янада оширади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тавбага терс борганлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг адашган кишиларни кечириш ҳақидаги даъватидан сўнг ўз хатоларидан пушаймон бўлиб, кечирим сўраб ички ишлар ва бошқа маъмурий иродаларга келаётганлар сони тобора ортмоқда. Бироқ, шундай шахслар ҳам учраб турибдики, улар бу даъватга тескари борган ҳолда ўз қилмишларини янада пинҳон тутишга, қабиҳ ниятларини яширинча давом эттиришга уринмоқдалар.

Республика Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 июнига қадар 5474 та диний адабиётлар топилган бўлиб, уларнинг 1222 таси Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига қарши тарғибот ишларини олиб боришга мўлжалланган, қонун билан таъқиқланган китоблар эканлиги аниқланди. Яқинда Андижон тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари Андижон юк вагонлар таъмирлаш депосида ишчи бўлиб ишловчи, 1972 йилда Андижон шаҳрида туғилган, шу шаҳарнинг Қайрағочтаги кўчасида яшовчи «Ҳизбут таҳрир» оқимининг аъзолари Араббой Ботиров ва Музаффар Шариповларни ушлашган. Уларнинг уйи кўздан кечирилганда эса бир нечта таъқиқланган китоблар топилди.

Транспорт ИИВ Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлими ходимларининг Андижон тармоқ ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган тезкор тадбирлари натижасида «Ҳизбут таҳрир» оқимига мансуб бўлган ва унинг китоблари ҳамда варақаларини тарқатишга кўмаклашиб, «Китоб тарқатувчи» вазифасини бажариб келган Ёқубжон Айбашевнинг уйидан 4 қути таъқиқланган китоб ва 44 та варақа, Аваз Холдировнинг уйидан 787 та китоб ва 529 та варақа, Арслон Абдураҳмоновнинг уйидан 109 та китоб ва 2 та варақа топиб олинган.

Шунингдек, Андижон шаҳрининг Олим Саркор кўчасида яшовчи Муҳсин Қаҳҳоров «Ҳизбут таҳрир»нинг вилоят миқёсидаги «Мусоид» вазифасини бажарувчиси эканлиги, шу шаҳарнинг Сой кўчасида яшовчи Собир Нишонов эса «Китоб масъули» вазифасини бажарувчи эканлиги аниқланди. Шулар билан бирга «Ҳизбут таҳрир» оқимининг ноғорасига ўйнаб, «Ноқиб» вазифасини бажарувчиман, деб юрган ўндан зиёд шахслар ҳам ушландилар.

Алижон МУРОДОВ,
милиция полковниги

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти ва

DEMIR GROUP

ширкатлар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллик байрамига бағишланган

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни атрофлича ёритган энг яхши мақолаларни эълон қилган республика газеталарининг таҳририятлари орасида

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловини эълон қилади

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар белгиланади:

1-мукофот — IBM компьютери
2-мукофот — IBM компьютери
3- мукофот — Видеоиккилик
Рағбатлантирувчи мукофот — 10 та диктафон

Танлов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида якунланади.

Танлов учун тақдим этиладиган мақола, очерк ва лавҳалар 1999 йилнинг 20 августига қадар **«Ўзбекистон овози»** — **«Голос Узбекистана»** газеталари таҳририяти қошидаги «Танлов ҳайъати» ихтиёрига (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: 133-65-45) уч нусхада топширилиши лозим. Танлов натижалари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида эълон қилинади.

Денгиздаги қуролли можаро

7 июндан бошлаб унинг ҳарбий катерлари ўша ерда қисқичбақа овлаётган Шимолий Корея шхуналарини қўриқлаш учун «Буфер зона»га ҳар куни кираяпти. Бугунги можаро олдидан Шимолий Корея кемалари 20 та балиқ овловчи шхуна билан ушбу зонага кирган эди, бироқ бу гал уларни Жанубий Корея ҳарбий денгиз кучлари қарши олди.

Юз берган можаро муносабати билан Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжун кўрсатмасига кўра Сеулда миллий бирлашув ишлари, ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари иштирокида Давлат хавфсизлиги масалалари бўйича доимий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда КХДР ҳаракати «иғвогарлик» деб баҳоланди.

Ўз навбатида Пхеньяннинг расмий оммавий ахборот воситалари Жанубий Корея ҳарбий денгиз кучларини «биринчи бўлиб ўт очганликда» айбламоқдалар ва Жанубий Корея томонидан кечирим сўралишини талаб этишмоқда. Кеча Жанубий Кореянинг Паньминьчжон шаҳрида бўлиб ўтган КХДР ва БМТ кучлари ҳарбий вакилларининг навбатдаги мажлиси ҳам хийла бесарамжон ўтди. Жанубий Кореядаги БМТ кучлари штабининг хабар беришича, музокаралар чоғида унинг вакили Сариқ денгизининг шу қисми Корея урушидан сўнг ярашувда белгиланган Шимол билан Жануб орасидаги чегара эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, у ушбу ҳудуддан Шимолий Корея ҳам, Жанубий Корея ҳам ўз қўриқчи ва ҳарбий кемаларини олиб чиқиб кетишини талаб этган.

Кузатувчиларнинг фикрича, деб хабар беради РИА «Новости» Шимолий ва Жанубий Корея ҳарбий кемалари ўртасидаги кечаги отишув Сариқ денгиздаги баҳсли ҳудуд кимга тегишли экани юзасидан икки давлат орасидаги ихтилофлар натижасидир. Кеча соат 4.25 да Шимолий Кореянинг учта торпеда катери ва тўртта қўриқчи кемаси бир гуруҳ балиқ овловчи кемалар билан биргаликда Шимолий Корея қирғоғидан 20 мил узоқликдаги «Буфер зона»га кирди ва уларнинг йўлини тўсиб чиққан Жанубий Корея ҳарбий кемаларига қарата ўт очдилар деб хабар берди япон оммавий ахборот воситалари. Отишма натижасида Шимолий Кореянинг битта торпеда катери чўктириб юборилди, қолганлари эса жумладан жиддий шикастланган битта қўриқчи кема орқага чекинди. Жанубий Корея томонидан камида етти киши енгил жароҳатланди, бир қатор кемалар, жумладан битта тез юрар катер шикастланди.

Тўқнашув содир бўлган «Буфер зона»ни КХДР тан олмай келаётир.

Болалар ёрдамга муҳтож

Косовода яшаётган 400 мингга яқин бола ёрдамга муҳтож, деб баёнот берди БМТнинг Болалар жамғармаси /ЮНИСЕФ/ вакили.

Унинг айтишича, айни пайтда Косовода бироз бўлса-да, барқарорлик сақланмоқда. Халқаро ташкилотлар шу сабабдан ўлка болаларига яқиндан ёрдам кўрсатиш тадбирларини бошлади. Хусусан, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим тизимларини тиклаш, болалар ва оналарни ҳар хил касалликларга қарши эмлаш галдаги муҳим вазифалар ҳисобланади. Ҳозир Болалар жамғармасини ташвишлантираётган муаммо кўмилган миналар ва ўз кучини йўқотмаган бошқа турдаги қурол-аслаҳалардир. Халқаро тинчлик кучлари назоратида бўлган ҳудудларни тезда бундай хавфли қуроллардан тозалаш лозим. Акс ҳолда у юзлаб кишилар ҳаётига зомин бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қўзғолончилар чекинишди

Ангола армияси узоқ давом этган жанглардан сўнг мамлакат шимоли-ғарбидаги бир неча қишлоқлардан УНИТА қўзғолончиларини қувиб чиқаришга муваффақ бўлди. Натижада мамлакат пойтахти билан Уиже вилояти марказини боғловчи муҳим автомобиль йўли яна назорат остига олинди.

Мазкур йўл стратегик аҳамиятга эга бўлиб, қарийб тўрт ойдан буён қўзғолончилар назоратида эди. Ҳарбийларнинг айтишича, айни пайтда унда яна автомобилларнинг эркин ҳаракати бошланган.

Анголада фуқаролар уруши ўтган йилнинг декабрида қайта бошланган эди. БМТ эса бир неча йилдан буён УНИТА раҳбарларини 1994 йилда Замбияда имзоланган тинчлик шартномасига амал қилишга даъват қилиб келмоқда. Қўзғолончилар эса уни бажаришдан бош тортиб, уруш ҳаракатларини давом эттиришдан чарчагани йўқ.



Табиат мўъжизаси

Қизлар ҳимояда

Тайванда ниҳоят қизлар қонун ҳимоясига олинди, яъни қонун чиқарувчи орган — парламент янги қонун қабул қилди. Аслида мазкур қонун лойиҳаси бундан роппа-роса ўн йил муқаддам парламент муҳокамасига қўйилган эди. Бироқ лойиҳа шунча йил сансоларлик «қурбони» бўлди. Бир қанча тортишув ва баҳслардан кейингина у шу кунларда қабул қилинди.

Унга кўра, 14 ёшга етмаган қизларни зўрлаган кимса 10 йил қамоқ жазосига маҳкум этилади. 14 дан 16 ёшгача бўлган қизни зўрлаб номусига тегиш эса 7 йиллик қамоқ жазоси билан «сийланади».

Аммо бу қонун билан Тайванда фоҳишабозликни йўқотиб бўлмайди, дейишмоқда кўпчилик. Негаки, қонун бир томонлама эмиш, яъни аёлларни қаттиқроқ жазога тортиш ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган.

Жинни бўлаёзди

Амстердамнинг кичик бозорларидан бирида машҳур рассом Рембранднинг икки асари арзимаган пулга сотилди. Сотувчи асарни тўғри баҳолай олмади. Буни кўпчилик сезди. Лекин начора, савдога аралашишни хоҳлашмади.

Харидор, яъни асарларни сотиб олган шахс анча уддабурон экан. Расмларни шу бозорнинг ўзида, шу куни бир немис коллекционерига оз эмас, кўп эмас нақд 48 минг долларга сотиб юборди. Буни эшитган аввалги эгаси арзимаган пулга сотиб, шунча пулни қўлдан бой берганига нақ жинни бўлаёзди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, 4 доллар қаёқда-ю, 48 минг доллар қаёқда.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Жиноятчилик ортмоқда

Санкт-Петербург ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органи хорижликлар томонидан амалга оширилаётган жиноятлар сони тобора ортиб бораётганидан ташвишда. Жумладан, жорий йилнинг дастлабки беш ойида 468 бор шундай жиноят қайд этилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 75 тага кўп.

Махсус хизмат милицияси бошқармаси раҳбари Александр Гудзнинг айтишича, хорижликлар одам ўлдириш, ўғирлик, талон-тарож, фирибгарлик ва гиёҳванд моддалар савдоси каби жиноятларни кўпроқ содир қилмоқда. Улар асосан Латвия, Афғонистон, Ҳиндистон ва Марокаш фуқароларидир.

Санкт-Петербургда айни пайтда икки мингга яқин хорижлик фуқаро ва бундан ташқари 200 минг нафар қочқин истиқомат қилади.

Шаҳарга йилига бир миллионга яқин чет эллик келиб кетади. Уларнинг 230 минги сайёҳ ва 20 минги талабалардир.

Ҳарбий ўқув машқлари

АҚШнинг Нью-Мексико штатида йирик ҳарбий ўқув машқлари бошланди. Унда Буюк Британия, Германия, Голландия ва мезбон мамлакатдан 18 минг нафар ҳарбий иштирок этмоқда.

Тадбирда қуруқликдаги ҳарбий техника ва самолётлардан фойдаланилади.

Ҳарбийлар бир неча кун давомида қуриқлик ва ҳавода ҳамкорликда операциялар ўтказиш борасида машқлар ўтказади.

(ЎзА)

«Шоҳмот» ўйланмаси

Азиз газетхон! Қуйида таърифланган сўзларни топиб шаклга «занжир» ҳамда ёзиш билан машқни ҳал этиб, шоҳмот ўйинига бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.

1. Жаҳоннинг бир неча бор чемпионлигига сазовор бўлган шоҳмотчи, техника фанлари бўйича олим. 2. Шоҳмот соврини тури. 3.Халқаро шоҳмот федерациясига раҳбарлик қилган филиппинлик шоҳмотчи. 4. Жаҳоннинг энг биринчи чемпиони унвонини қўлга киритган шоҳмот устаси. 5. Ўйин давомида вақт танглиги ҳолати. 6. Бир неча шоҳмотчи ўртасида ўтказиладиган мусобақа. 7. Шоҳмотчига бериладиган дастлабки унвон. 8. Томонларнинг келишуви асосида, тенг натижа билан тугалланган ўйин. 9. Шоҳмот усталарига бериладиган энг олий унвон. 10. Аёллар ўртасида иккинчи бўлиб жаҳон чемпионлигига эришган шоҳмотчи. 11. Йилнинг энг кучли шоҳмотчисига бериладиган халқаро мукофот. 12. Ўйин давомида фақат бир марта ижозат бериладиган, шоҳ ва руҳни алмаштиришдан иборат бир юриш. 13. Халқаро гроссмейстер унвонига биринчи бўлиб эришган ўзбекистонлик шоҳмотчи. 14. Ўзбекистон халқ шоири, «Шоҳмот ва шеър» асари муаллифи. 15. Шоҳмотда доналарнинг ўзаро боғланган бир неча юришларини ўз ичига олган ҳолат. 16. Бирор бир ҳолатнинг чизма кўриниши, расми. 17. Шоҳмот донаси. 18. Ўзбекистоннинг биринчи чемпионлигига сазовор бўлган шоҳмотчи. 19. Арманистонлик шоҳмот гроссмейстерларидан бири. 20. Ўз ўйин услуби билан танилган даниялик шоҳмотчи. 21. Россия шоҳмот мактабининг асосчиси. 22. Югославиялик халқаро гроссмейтер. 23. Аёллар ўртасида шоҳмот бўйича жаҳоннинг бир неча бор чемпиони бўлган гроссмейстер.

МУАММОНОМА

Ўйланма жавобларидан фойдаланиб шаклнинг тўрт тарафидаги рақамлар жуфтини (биринчиси ҳарф, иккинчиси эса жавоб сўзи тартибини англатади) мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан шоҳмот бўйича жаҳон чемпионлари аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



ЎЗБЕК САМОЛЁТСОЗЛИГИ ёки қанотли мамлакат

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Ҳадемай иккинчи минг йилликнинг охирги йилига ҳам қадам қўямиз. XX аср тарихга авиация жўшқин ривожланган асри сифатида киради.

Ўз мустақиллигининг 8 йиллигини нишонлашга ҳозирланаётган Ўзбекистонни ҳақли равишда «қанотли мамлакат» деб аташмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси энг замонавий самолётлар ва авиатехникага эга. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти эса наинки МДҲда, балки бутун Осиё — Тинч океани минтақасидаги энг йирик авиасозлик корхоналаридан бири ҳисобланади.

«ИЛ-114-100» самолёти

Ўзбек авиасозлари мушарраф бўлган сертификатларни Давлатлараро авиация қўмитасининг раиси Татъяна Анодина бош директор В.П.Кучеровга топшираётган пайт.

Мамлакатимиз раҳбариятининг мадади туфайли «ЧнТАИЧБ» ДАЖ собиқ иттифоқ парчаланиши билан авиацияда рўй берган тангликка қарамай, нодир техникавий, тажриба-синов ва ишлаб чиқариш базасини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Боз устига танглик шароитларида ҳам Ўзбекистон авиация саноатининг дарғаси янги самолётларни бунёд этиб, уларни самога кўтармоқда. 1999 йил январида «ЧнТАИЧБ» ДАЖ аэродромида янги минтақавий йўловчи самолёти — «Ил-114-100»нинг илк бор парвози бўлиб ўтди. 2000 километргача бўлган масофада маҳаллий авиайўналишларда қатнашга мўлжалланган бу янги самолёт 52-64 кишига хизмат кўрсатади. Дарвоқе, республика ойнаи жаҳони каналлари орқали янги самолётнинг машқ парвозлари намойиш этилди. Шу кунларда у Францияда ўтаётган «Бурже — 99» 43-халқаро авиакосмик салонда қатнашмоқда.

В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятининг бош директори Вадим Петрович Кучеров мухбиримиз билан суҳбатда ўзбек самолётсозлари ҳаётидаги ана шу муҳим воқеалар тўғрисида сўзлаб берди.

— Дарҳақиқат, 1999 йилнинг бошланиши Ўзбекистон ва Россия авиацияси учун қувончли келди. Бирлашмамиз ишлаб чиқарган минтақавий «Ил-114-100» самолёти илк марта парвоз этди. Янги ҳаво кемасига «Пратт энд Уитни» (Канада) фирмасининг PW-127 N двигателлари ва «Гамильтон стандарт» (АҚШ) фирмасининг 586-ЕТ ҳаво парраклари ўрнатилган.

Мазкур самолёт 1992 йилда илк марта парвоз қилган «Ил-114»дан жиддий фарқ қилади. Зеро, аввалгисида «Климов номидаги завод» ИИЧКда ишлаб чиқарилган ТВТ-117С турбопарракли двигателлар ўрнатилганди. Кейинги икки йил мобайнида ўзбек самолётсозлари яна шундай бешта самолётни қуришди ва 10 машинадан иборат туркумни ишлаб чиқаришга қўйдилар. 1997 йилнинг 26 апрелида синовлар дастури якунлангач, «Ил-114» Давлатлараро авиация қўмитаси (МАК)нинг сертификатини олди. Шуни айтиш керакки, ушбу самолётни сотиб олиш ниятида бўлган харидорлар, шу жумладан, хорижий харидорлар унда Россиянинг ТВТ-117С двигателларига қараганда янада ишончлироқ ва таъмирлашлараро ресурси катта бўлган двигателлар ўрнатилиши истагини билдиришди. Айнан ана шу истаклар «Ил-114-100» самолётини яратишга олиб келди.

Авиакомпаниялар томонидан кўпдан бери фойдаланиб келинаётган ва анча эскириб қолган «АН-24» ва «ЯК-40»нинг ўрнини шу «Ил-114» босса ажаб эмас.

Баъзи экспертларнинг фикрича, «Ил-114» русумли самолётларга эҳтиёж катта. Чунончи, биргина Россиянинг ўзига бир неча юзта ана шундай ҳаво кемаси зарур экан. Бундан ташқари бу самолёт ўз ресурсини тугатаётган турбореактив «ТУ-134» ўрнини ҳам эгаллаши мумкин.

«Ил-114» замонавий рақамли бошқарув тизими ва авиация мажмуасига эга. Учувчилар кабинаси бешта рангли дисплей билан жиҳозланган. Асбоб-ускуналарнинг бундай жамланмаси икки кишидан иборат экипажга самолётни ҳар қандай шароитда бошқариш ва уни ИКАОнинг II тоифаси бўйича қўндиришга имкон беради. «Ил-114»нинг йўловчилар салони кўриниши замонавий дизайннинг барча талабларига тўла жавоб беради. Салоннинг қандай жойлаштирилишига қараб самолётда 52 тадан (тежамкор ва бизнес класс) 64 тагача йўловчи алоҳида эътибор берилган. Унинг белгиланган ресурси 30 минг соатни ёки 30 минг циклни, календар ресурси эса 30 йилни ташкил этади. Йиллик учиши ойига 3 минг соатга етиши мумкин. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, бу самолётдан масофаси 1100 км. дан 1500 км. гача бўлган йўналишларда фойдаланиш қулайдир. Бундай йўналишлар эса минтақавий авиакомпаниялар фаолияти амалиётида энг кўп учрайди. Самолётнинг юк ташишга мўлжалланган русуми ҳам мавжуд, у «ИЛ-114Т» номини олган. Ҳозир сертификация синовларидан ўтаётган бу самолётда 7 минг кг.гача юкни ташиш мумкин. «Ил-114» ва «Ил-114-100» самолёти негизида 17 модификацияни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Чунончи, хорижий двигателлар ўрнатилган, 74 йўловчига мўлжалланган, парвоз масофаси 2000 км, тезлиги соатига 500-600 км. бўлган «Ил-114МА» модификация қилинган самолёти, «Ил-114 ФК» фотокартографик самолёти ва бошқалар шулар жумласидандир.

50-йиллар бошидаёқ ўзбек авиасозлари икки моторли «Ил-14»ни ишлаб чиқаришга киришгандилар. Сўнгра 1972 йилда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тўрт двигателли турбореактив «Ил-76»ни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу шу кунга қадар наинки МДҲ балки, кўпгина фуқаролик авиакомпанияларнинг асосий транспорт самолёти бўлиб қолмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу самолётнинг барча хилини ишлаб чиқарган ва чиқараётган ягона корхона ҳисобланади.

1995 йилда С.В. Ильюшин номидаги авиамажмуаси билан биргаликда бундай оммавий транспорт самолётининг янги модификацияси — «Ил-76 МФ» ишлаб чиқилди. Бундай юк ташувчи ҳаво кемасининг аввалгисидан фарқи катта, яъни у кўп юк таший олади. Ҳозирги вақтда ана шу истиқболли самолётнинг парвоз синовлари олиб бориляпти.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги 1996 йилда тузилган ҳукуматлараро битимга асосан давлатлараро молиявий саноат гуруҳини тузишга киришилди. Бу ўзбек ва Россия корхоналарнинг яқиндан кооперацияси натижаси эди. Икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро молиявий саноат гуруҳига С.В.Ильюшин номидаги авиамажмуа ва «ЧнТАИЧБ»дан ташқари «Ил-86» ва «Ил-96» самолётларини ишлаб чиқараётган Воронеж акционерлик самолётсозлик жамияти (ВАСЖ) ҳам кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йили Россияга қилган ташрифи чоғидаги имзоланган ҳукуматлараро битимга, шунингдек, Россия Президенти Борис Ельциннинг Фармонига мувофиқ Россия ҳукуматининг 1999 йил январдаги қарорига асосан гуруҳнинг россиялик қатнашчилари «Ильюшин» Давлатлараро авиасозлик компаниясини тузишга киришдилар. Унга кейинчалик акцияларни алмашиш асосида «ЧнТАИЧБ» ҳам кириши мумкин.

Ўзбек самолётсозларининг ҳамкорлик алоқалари биргина Россия билан чекланиб қолмаётир. Чунончи, 1997 йилда корхона МДҲда биринчилардан бўлиб Американинг «Боинг» фирмаси билан уч йиллик муддатга мўлжалланган битимни имзолади. Унга кўра, ускуналар конструкцияси элементлари етказиб берилади. Битим имзоланишидан олдин «Боинг» фирмасининг мутахассислари Тошкентда бўлишиб, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат этиш бўйича қўлланилаётган тизим билан яқиндан танишдилар. Биргаликдаги фаолиятнинг техник ва юридик жиҳатларини ўзаро келишиб олиш учун зарур бўлган катта ишларни бажаришга тўғри келди. «Боинг»нинг тадқиқотлар ва ечимлар бўлими билан корхонада титан қотишмаларидан шасси деталлари ва бошқа қисмларни ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар асосида конструкциянинг титан элементлари тадқиқотларини ўтказиш бўйича ҳам битим тузилди. Шунингдек, 1997 йилда Англиянинг «Бритиш Аэроспейс» фирмаси билан ҳамкорлик ҳақидаги меморандум, сўнгра битим имзоланди. Шунга мувофиқ ўзбек самолётсозлари инглиз фирмасига юк кабинасининг поли учун деталлар ишлаб чиқарадилар ва минтақавий «Авро РЈ» самолётининг ҳаво тормозлари қисмларини йиғадилар. Ўтган йили Германиянинг «Даймлер Крайслер» фирмаси билан «ЧнТАИЧБ»нинг ана шу фирмага деталлар етказиб бериш юзасидан битим тузиш учун танловда қатнашуви борасидаги музокоралар бошланди. «Израел Эркрафт Индастри» (ІАІ) фирмаси билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги музокаралар ҳам олиб борилмоқда. Бу Исроилда жойлашган «Бедек Авиэqшн Груп» фирмаси томонидан амалга оширилаётган самолётларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни қайта жиҳозлаш дастурларида Тошкент корхонасининг иштирокини таъминлаши мумкин.

Корхонанинг ана шу барча халқаро дастурларда иштирок этиши учун ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш лозим. Ана шу мақсадлар учун ўзбек самолётсозлари замонавий технологик асбоб-усуналарни олишни ва айрим ишлаб чиқариш линияларини қайта жиҳозлашни режалаштиришмоқда. Шуни айтиш керакки, ўтган йилнинг июлида бирлашманинг сифат назорати тизими «Веритас» халқаро сертификация ва сифат бюросининг ISO 9002 талабларига мувофиқлик сертификатига сазовор бўлди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида эса «ЧнТАИЧБ» мутахассислари ишлаб чиқариш сертификациясини тугаллаб, «Боинг» Д-9000 фирмаси талабларига мувофиқлик сертификатини олиш ниятидадир.

Халқаро сертификатларни қўлга киритиш ўзбек самолётсозларига халқаро кооперацияда янада кенгроқ қатнашишга ва корхонанинг самолётлар деталлари ва қисмларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозорида жиддий ҳамкорга айланишига кенг имкониятлар очади.

Инсоният, мамлакатлар ва халқлар ҳаётидаги XX аср ҳам якунланмоқда. Бирлашмамиз янги асрни муносиб кутиб олаётир. Янги само қушларимизнинг кумуш қанотлари шаҳарлар, мамлакатларнигина эмас, балки, қитъаларни ҳам боғлайди.

Бизнинг ёш мустақил давлатимиз янги аср авлодларига ўзига хос бўлган мурожаат — махсус капсулани яратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Бирлашмамиз жамоаси ушбу лойиҳада, шунингдек капсулани тайёрлашда қатнашади. Биз буни ўзимиз учун давлат аҳамиятига молик фахрли топшириқ, деб баҳолаймиз.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзметов ва С. В. Ильюшин номидаги авиамажмуанинг бош конструктори Генрих Новожилов

Эътироф

Рўёбга чиққан орзу

Ўзбек самолётсозлари билан кўпдан буён қўлни-қўлга бериб ишлаб келаяпмиз. Шу давр мобайнида биз Тошкентда ажойиб самолётлар ишлаб чиқарилаётганига амин бўлдик. Ҳозир жаҳоннинг бирон-бир аэропорти йўқки, унда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари қўнмаган бўлсин. Бир вақтлар ўзбек самолётсозлари республика шуҳратини оламга ёндиган самолётни яратадилар, деган орзу бўлганини эслайман. Эндиликда бу амалга ошган нарсадир.

Генрих НОВОЖИЛОВ,
С. В. Ильюшин номидаги авиамажмуанинг бош конструктори

«ИЛ-114-100» самолётининг йиғув цехи.

Ҳамкорлик битими

Пекинда «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти ва «China Aviation Supplies Import & Export Corporation — AVIAIMPEX» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Беш йилга мўлжалланган битим Тошкент авиакорхонасида ишлаб чиқарилаётган «Ил-76», «Ил-114» каби самолётлар ва уларнинг модификацияларини шунингдек, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни Хитой Халқ Республикасига етказиб беришни кўзда тутади.

«AVIAIMPEX» савдо компанияси 1980 йилда тузилган, йиллик айланмаси 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. У фуқаролик авиацияси учун самолётлар ва асбоб-ускуналар импорт-экспортига ихтисослашган.

Россия учун иккита «Ил-114-100»

«Ўзавиализинг» молиявий-лизинг компанияси «Пермь авиалиниялари» давлат авиакорхонаси билан Канаданинг «Пратт энд Уитни» фирмаси двигателлари ўрнатилган иккита «Ил-114-100» самолётини етказиб бериш ҳақидаги битимни тузди. Бу самолётлар молиявий лизинг асосида етказилади. «Пермь авиалиниялари» дастлабки «Ил-114-100» ни 2000 йил ўрталарида олади. Бу Канада двигателлари ўрнатилган «Ил-114» самолёти модификациясини сотиш бўйича биринчи битимдир.

«Ўзавиализинг» компанияси 1998 йилда Тошкент авиасозлари ишлаб чиқараётган самолётларни лизинг шартларида сотиш учун тузилган. Низом жамғармаси 24,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг таркибига Ўзбекистон ва Россия томонидан еттита таъсисчи кирган. Ҳозир «Ўзавиализинг»га бир нечта «Ил-114» ва «Ил-76» самолётларини сотиб олиш юзасидан буюртмалар тушган.

Ва шу тупроқ ёпсин кўзларим

О, сизларга буюрсин майли,
Базми жамшид—суҳбати боллар.
Менга ёлғиз қолса бўлгани,
Бошин эгган, ҳув мажнунтоллар.

Бу оламдан нени ҳам топдим,
Вазмин, мушфиқ Ватандин бўлак.
Ватан, дея қалбни пичоқлар
Кўксимдаги момогулдирак.

Менга нима зебу-зийнатлар,
Ва тиллолар—бўйнимни қисган.
Ёлғиз юрак кенгликларида
Ватан деган бир дарахт ўсган.

Сиз куласиз—фитналардан маст,
Ғийбатлардан энтикиб, сархуш.
Мен ушбу дам ялпизни қучиб,
Қаршисида жим букаман тиз.

Майда, мижғов, кўлмак хаёллар,
Қаршисида шамдек куяман.
Юрт тиканин гул каби суйиб,
Лабим қонаб, ўпиб юраман.

Бу дунёнинг ҳою-ҳавасин
Ҳув, бўтана сувга отаман.
Ялпизларнинг болишларига
Юзларимни қўйиб ётаман.

Сизни қучса фарангий ислар,
Ёвшан иси мени қилар маст.
Юрагимга мевасин тўкар
Она-Ватан аталмиш дарахт.

Дўсти азиз, кетдинг кўнгилдан
Озорингдан юрагим толди.
Не қилсанг-да, менга биргина
Бор ганжинам— Ватанни қолдир.

Товадаги балиқман усиз,
Бўғизим тилиб ташлар сўзларим.
Илоҳо, шу юртдан айирма,
Ва шу тупроқ ёпсин кўзларим...

Шарифа САЛИМОВА

Халқ ижоди — қайнар булоқ

Оқар сувга ҳасратларим айтаман

Ўзбек халқ оғзаки ижодида сувни улуғлашга, увол қилмасликка, пок-тоза сақлашга бағишланган ўнлаб топишмоқлар, мақоллар, қўшиқлар, эртаклар, достонлар мавжуддир. Фольклоршунос олимларнинг таъкидлашларича, халқ яратган бир қатор асарларда сув кишилик жамиятининг асосий, долзарб муаммолари қаторига қўйилади. Бу асарларда сув образ даражасига кўтарилган, ҳатто халқ оғзаки ижодиётида ризқи-рўзимиз нонга қараганда ҳам сув ҳақида кўпроқ фикрлар билдирилган экан.

Халқ оғзаки ижодида чиройли, қисқа, лўнда топишмоқлар яратилганки, уларни ўқиганимизда она халқимизнинг дидига, ақл заковатига таҳсинлар ўқиймиз. Мана бир мисол:

Келар баланд тоғлардан,
Жуда ҳам йироқлардан,
Гиёҳ битмас бепоён —
Саҳроларга берар жон.

Келтирилган бу топишмоқда жуда ўринли ўхшатишлар воситасида сувнинг гиёҳ битмас бепоён саҳроларга жон бахшида этиши, у оқиб ўтган ерлар боғу-бўстонга, майсазор ва гулзорларга айланиши ўта зукколик билан ифодаланган.

Халқ яратган ўнлаб қўшиқларда ҳам сув улуғланади, гўзаллик, поклик, эзгулик, ёруғлик, севги, муҳаббат тимсоли сифатида қўйланади. Ҳатто ошиқ-маъшуқалар ўртасидаги муҳаббат тасвирида ҳам сув асосий восита сифатида келтирилади:

Икки ариқ бирдан
қандай ўтаман,
Оёғим тойилса,
сувга кетаман.
Оқар сувга
ҳасратларим айтаман,
Нимага ёнаман,
нимага куяман,
Ғунча эдим
очилмасдан сўламан.

Бу қўшиқда халқнинг кундалик турмушидаги урф-одатлари, удумлари ёрқин акс этганлигини кўрамиз. «Оқар сувга ҳасратларим айтаман» мисрасига аҳамият беринг. «Тушингни сувга айт», «Ҳасратларингни оқар сувга айт» деган иборалар бор, халқимиз орасида. Ҳақиқатан ҳам ҳасратларингни сувга айтсанг енгил тортасан. Ҳасрат, дардаламингни айтиш учун оқар сув ёқасига борганингдаёқ қандайдир енгиллик ҳис этасан.

Бир қатор халқ эртакларида, достонларда эса сув муаммоси алоҳида мавзу сифатида қўйилган ва ижобий ҳал қилинган. Халқ яратган ўнлаб эртакларда, достонларда ижобий қаҳрамонлар сув излайди. Қудуқлар қазийди. Чўлу биёбонларга ариқлар тортиб боғу-бўстонлар яратади. Катта-катта дарёларни тўсиб, сувини қақраб ётган ерларга, чўлларга буради... Қисқаси қадимда яратилган эртак ва достонларда халқ ўзининг сув ҳақидаги ўз асрий орзу-умидларини куйлаган эди.

Икки мисра, бир мисра, ҳатто бир жумла орқали сув ҳақида оламшумул фикрлар баён қилинганки, уларни ўқиб ҳайратга тушасан киши. Ўша бир мисрада, бир жумлада, бир сўзда сувнинг қадр-қиммати, таърифи, муқаддаслиги, муқобили, тенги йўқлиги шундай ифодаланганки, гўё бир томчида олам акс этгандек: «Сувсиз ҳаёт бўлмас», «Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ», «Ўт берган ўтини олар, Сув берган — сувини», «Томчи тошни кесар», «Тошни сиққан билан сув чиқмас», «Дарёга ҳазил қилсанг, сени ғарқ этар», «Асад суви — асал суви», «Сувимни сўкма, тузимни тўкма».

Ўзбек халқининг сув ҳақида яратган ҳар бир мақоли, ҳикматли иборалари бамисоли қимматбаҳо бир китобга тенгдир. Халқимиз бу мақолларида сув баҳонасида адолат, ҳалоллик, эзгулик, увол, савоб, биродарлик, севги-муҳаббат, разолат, жаҳолат, зулмат, манманлик, зўрлик ҳақидаги ўзининг аниқ фикр ва мулоҳазаларини ҳам усталик билан ифодалагандир.

А. ЖАЛОЛОВ,
филология фанлари доктори
М. МИРЗАЖОНОВА,
филология фанлари номзоди

Болам, уйғон...
Осмонга қара.
Осмон Сенинг кўзингдайин кенг...
Болам,
Сендай тоза, бокира
Осмон сенинг ёшинг билан тенг...

Болам, уйғон...
Осмонга қара.

Ул кўзингга сингимоғи бор
Юлдузларни, ойни ҳам асра,
Нур йўлига тушмасин ғубор...

Боққил, кўкка...
Зилоллик инди.
Бизнинг борур йўлимиз ўша.
Менинг қўлим калталик қилса,
Сен осмонни қучоқлаб яша.

Владимир ПАНОВ олган сурат.

Оилавий муҳит ва маънавият

Оила ҳақида гап кетганида кўпинча она ва ота, фарзанд бурчи ҳақида сўз юритамиз. Тўғри, бу мавзулар эскирмайди. Катта-кичик сойлар, дарёлар сувининг оқишини бир маромга солиб бўлмайди. Шунингдек, ҳар бир оиланинг ҳам ўз муҳити йўналишлари, ёндошишлари мавжуд.

Бизга маълумки, фарзанд камолотида ота-онанинг, оиланинг тутган ўрни жуда каттадир. Бола то эсини танигунча шу хонадон бағрида бўлади, кўради, таҳлил қилади, ўрганади.

Ота-она ҳам қачонлардир бола бўлган. Лекин негадир ота-оналаримиз шу ҳолатни унутиб қўядилар. Ўзларича тарбиянинг янги қирраларини топмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, халқимизнинг йиллар синовидан ўтган ўз оилавий дастури, тарбия асослари бор.

Оила — энг аввало ибрат мактабидир. Фараз қилинг: беш-олти ёшли болани ҳадеб меҳнатга тарғиб қилаяпсиз. Боланинг онгига аста-секинлик билан бўлса ҳам қўлдан келгунча меҳнат қилиш шарт экани сингдирилади. Энди ҳамма гап ота-онада қолади. У фарзандига ўрнак бўлиши, ибрат кўрсатиши керак.

Меҳнат оила муҳитида устувор маънавият бўлмоғи керак. Ҳамманинг оилада ўзига яраша бажарадиган юмуши бўлади. Энг муҳими, боланинг бекор қолмаслиги. Ота-она бекорчилик — бемаънилик эканини шахсий ибрат, насиҳат орқали намоён этса, болалар ҳам улардан ўрнак олади. Шу кеча-кундузда, ҳатто қишлоқ болаларида ҳам меҳнатдан узоқлашиш, ишнинг енгилига ўзини уриш, осон пул топишга интилиш кучлироқ сезилмоқда.

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейди халқимиз. Оилада маънавий муҳит қанчалик соғлом бўлса, фарзанд шунчалик комил инсон бўлиб тарбия топаверади.

Мактаб ўқувчиларига мустақил тайёрланиш учун вазифалар берилади. Қадимги донишманд аждодларимизнинг қўлёзмалари дарсдан ташқари мустақил ўқиш жараёнида оилага катта маънавий кўмак беради.

Хуллас, қадимий илмий, бадиий меросимизга оид асарларимиз ёшлар камолоти учун катта фойда бериши шубҳасиз.

Аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос ҳар бир оиланинг маънавий мулкига айланиши керак. Ана шундагина Ватанга муҳаббат боланинг қалбида унади, камол топади. Оила шаъни — Ватан шаъни эканини англаб улгаяди. Оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг энг биринчи меваси ҳам шу!

Тарбиянинг муддати бўлмайди. Бир донишманд «Тўқсон тўққиз йил яшадим, тўқсон тўққиз йил ўргандим» деган экан.

Оиладаги мана шу буюк хислатлар эса аёл билан, унинг сути билан, алласи билан, фидойилиги билан келгуси авлод-фарзандлар қалбига жо бўлади. Демак, аёл шундай қудратга эгаки, унинг меҳр, вафо, садоқат деган туйғулари забт этмаган бирорта истеҳком йўқ. Аёл шундай сергакки, унинг оналик сеҳри олдида ҳеч қандай тилсимот очилмасдан қолмайди.

Аёллар—оиланинг гули. Яхши оила эса жамиятнинг бойлигидир. Оилада ўсган навниҳоллар, кун сайин улғайиб, худди онаси каби, отаси каби теран томирли дарахтларга айланади. Ўзининг хуш мевалари ила барчани баҳраманд этади.

Дунёда қандайки эзгу ният бўлса, улуғ кашфиётлар бўлса, дастлаб аёл қалбида кўз очади. Сўнгра фарзандларнинг қалбига қуйилиб, ҳаётда кўз очади, айнан мана шунинг учун ҳам гўзал тақдир, буюк оналик тақдири, яратувчилик тақдири аёлга насиб этган.

Оилавий муҳитда энг аввало онанинг, аёлнинг роли бениҳоя катта дедик. Магарки, шундай экан, оилада маънавиятнинг барқарорлиги оналарнинг тадбиркорлиги, меҳру оқибати, фидойилиги боис камол топади.

Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Келажак иқтидорли кадрларникидир

Каттақўрғон қадимий юрт. Бу юртдан ажойиб инсонлар чиққан. Етук мутахассислар ҳозирда ҳам республикамизнинг турли нуқталарида фаолият кўрсатмоқда. Ҳамза Ҳамроев ҳозирги кунда Каттақўрғон туман марказий шифохонасида бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишламоқда. Самарқанд Тиббиёт олийгоҳи I-клиникасининг бош ҳакими, факультет терапия кафедраси мудири, доцент Нурмамат Абдуллаев билан суҳбатлашганимда у киши тўлқинланиб: «Мен Ҳамзани болалигидан биламан, билимга тиришқоқ эди. 1986 йилда менинг қўлимга шифокор бўлиб келди. Унинг иқтидорини, савиясини эътиборга олиб аввал Москвага, сўнгра Киев, Волгоградга малака оширишга жўнатдик. Москвада Россия Фанлар академияси ревматология институтида тажриба орттирди. Киевлик устози академик Драздов шахсан ўзи Самарқандга келиб клиника билан танишди. Ҳамзанинг саъй ҳаракатлари билан клиникада бўғин касалликлари бўлими очилди. Энг қувонарлиси, Жаҳон ревматологлар ассоциацияси президенти, академик Александр Збровский ўзининг «Ревматизм, ревматоидный артрид и проблем гомеорезиса» китобини ўз дасхати билан Ҳамзага берганлар. Бундай эътиборга эришишнинг ўзи бўлмайди. Меҳнатнинг маҳсули бу», деди у.

Ҳамза ака А.Збровский маслаҳати билан ревматоидли артридни уч босқичда даволашда раданли шифобахш сувдан фойдаланиш юзасидан диссертация ёзган экан.

—1998 йил 3 ноябрда Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида анжуман бўлиб ўтган эди. Туманимиз раҳбарияти, айниқса ҳоким Мирзаёр Худоёров ўзлари ташаббус кўрсатиб шифохона учун бир миллион сўм ажратди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш назорати тузилиб аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари ўрганиб чиқилди. Туманимизда 41684 та туғиш ёшидаги аёллар бор. Уларнинг 90 фоизи кўрикдан ўтказилди. Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги фармонини босқичма-босқич амалга оширишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ёрмон Қўшмуродов ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда . Ёрмон аканинг яна бир хислатини айтиб ўтмоқчиман, ўтган йили шифохонамизга «кампир чопони»дан заҳарланган бир оиланинг саккиз нафар аъзоси келтирилди. Кеч соат иккилар эди. Дарров бошқармага қўнғироқ қилдим. Ёрмон аканинг шахсан ўзи тезда етиб келди. Кучайтирилган даво-

1

лаш натижасида ота-она ҳамда уч нафар фарзанднинг ҳаёти сақлаб қолинди, — дейди Ҳамза ака.

— Юртбошимиз XXI асрга ёшлар билан чиқишни, уларнинг имкониятига, иқтидорига, салоҳиятига таянишни ҳар галги йиғинларда айтиб ўтадилар. Бу борада қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтсангиз?

— Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ёшлар туманимизда ҳам талайгина. Келажагимиз етук кадрларга боғлиқ. Биз ҳам яхши мутахассисларни иқтидорига яраша иш билан таъминлашга катта эътибор қаратаяпмиз. Мана Алишер Тошмаматовни олайлик, у олти ой Америкада ишлаб, тажриба орттирди . Туманимиз миқёсида илк бор қалқонсимон безни жарроҳлик йўли билан олиб ташлади. Бемор Туркманистон Республикасидан келган экан. Аҳолида бизнинг шифохонамизга бўлган ишонч кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда республика марказий клиникаларида қилинадиган жарроҳликни шу ерда қилиш имконига эгамиз.

Болалар поликлиникаси мудираси Юлдуз Холова Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳини 1997 йилда тамомлаган. Унинг ишбилармонлиги, ўз касбига лойиқ мутахассислигини кўриб мудира қилиб сайладик. Адашмаган эканмиз, 1998 йилда мудира бўлган Юлдуз поликлиникани жиҳозлашда, таъмирлашда ташаббус кўрсатди.

Бизнинг туманимизда фахр билан айтишга арзийдиган ишлар ҳам бор. Масалан, тумандаги туғруқхона бўлимининг биринчи ғиштини бир вақтлар юртбошимизнинг ўзи қўйган эдилар. Бугунга келиб «Аёллар йили» муносабати билан Америкадан келтирилган жиҳозлар билан таъминланди.

Суҳбатимиз шу жойга келганда, эшик тақиллади. Озғин, юзлари синиққан йигит: — Мумкинми? — деди. Ўзини Алимов Ботир, деб таништирди. Ва мухбир келганлигини эшитиб, икки оғиз сўзи борлигини айтди: «Мен шу йилнинг бошида ўткир ичак касаллиги билан оғриб бу ерга келган эдим. Яшаб қолишга ўзим ҳам ишонмагандим. Лекин бизда ҳам зўр дўхтирлар бор экан, ҳатто Ҳамза аканинг ўзлари икки марта қон бердилар менга. Алишер Тошмаматов эса, жарроҳлик йўли билан мени оёққа турғазди. Дори-дармон, керакли нарсалар таъминотини шахсан Ҳамза ака ўз зиммасига олди. Менинг ташаккуримни газета орқали етказсангиз, илтимос». Қилаётган меҳнатинг зое кетмаганини англаб яшаш кишига завқ бағишлайди.

Энди суҳбатни давом эттиришга чоғлангандим, котиба бир отахон ҳам кутиб турганини айтиб қолди. Ёшлари етмишни қоралаган Тоҳир ота Аҳмедов иккинчи жаҳон урушининг қирғинбарот кунларини бошидан кечирган, I-гуруҳ ногирони экан. Менинг мулозаматимни ҳам кутиб ўтирмади: «Болам, моманг касал, қорни оғрийди. Додлаганига чидаб бўлмайди. Шу Ҳамзажонга келдим. Ўзи боради. Ҳар доим бирор касалим бўлса Ҳамзани олиб кетаман. Умри узоқ бўлсин. Ҳеч йўқ демайди. Қўли енгил. Миннатдормизда, болам», — дейди, ёзарканми деган маънода менга қараб.

— Ҳамза ака, шу касбга болаликдан қизиққанмисиз ё бошқа орзуларингиз ҳам бўлганми?

— Болалигим осон кечмаган. Отам қўшни қишлоқдаги мактабга директор эди. Мени ҳам олиб кетди. Ўқимасам мактабдан уйга келгунча ҳақорат эшитиб келардим. Урган пайтлари ҳам бўлган. Тиббиётга қизиқишим қўқисдан бошланган. Болалигимда жуда кўп касал бўлганман. Ўша йилларда дўхтир бўлишни кўнглимга тугиб қўйдим. Одамларни даволайман, ҳеч ким касал бўлмайди, деб юрардим ўзимга-ўзим. Бугун отамдан жуда миннатдорман, тўғри қилган экан ўшанда. Онам ҳар гал: «болам, бировнинг дилини оғритма, одамларга беминнат хизмат қил, кам бўлмайсан», дейди.

Ҳамза ака билан шифохона бўлимларини айланамиз. Эндигина мўйлаби сабза урган йигит хасса таяниб коридорда юрибди. Ёнида туман санитария эпидемология бўлимида узоқ йиллар бош врач бўлиб ишлаган Марям Мирзамедова.

— Тузалиб қолдингизми, — сўрайман бемордан.

— Келганимда юролмасдим. Оёқларим ёзилмасди. Қотиб қолган эди. I-гуруҳ ногирони деб ҳужжат ҳам беришган. Бу касалга чалинганимга уч йил бўлди. Бормаган жойим қолмади. Ҳеч жойда шифо топмадим. Кейин Тошкентда бир дўхтир бор ўша тузатади, деб эшитдик. Бордик. Бизни Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош ревматологи, II-тиббиёт олийгоҳи факультатив терапия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўхтасин Солиев қабул қилди ва Каттақўрғондан эканлигимизни билиб: ўзларингда яхши врач бор, шунча сарф-харажат қилиб келгандан кўра ўшанга бормадингларми? — деб сўраб қолди. Ким десак Ҳамза Ҳамроевни айтди. Кейин бу кишига келдик. Қўллари енгил экан, юра бошладим. Марям Мирзамедова гапга аралашди: «Ишонасизми, ҳеч бунчалик тез тузалади деб ўйламагандик. Жиянинг юра бошлади, дейишса туни билан ухлолмай чиқибман. Ўзимизда ҳам шундай врачлар бор экан».

Ғайбулло Убайдуллаев реанимация бўлими бошлиғи: «Бизда аввал реанимация бўлмаган, 1991 йилда ташкил қилдик. Бу бўлимни тиклашда Ҳамза Ҳамроевнинг хизматлари катта».

Ёш кадр, иқтидорли жарроҳ Алишернинг фикрини билишга қизиқдим:

«Мен Ҳамза Ҳамроевни ёш, етук мутахассис деб биламан. Эндигина 37 ёшни қоралаган Ҳамза ака менинг энг яқин маслаҳатчим. Ҳар қандай оғир вазиятларда кўмагини аямайди. У кишининг ишбилармон, ташкилотчи, кадрлар билан яхши ишлай олиши мени қойил қолдиради. Ундан ўрганганим келади. Бош врачимиз ишдан кетган пайтлар эди. Ҳамза ака вазифасини бажарувчи бўлди. Дарров касалхонани таъмирлашга киришди. Қаердан пул топди билмайман, лекин ишни деярли охирига етказди. Қанд касаллигига қарши дори керак эди, етишмасди туманда, Ҳамза ака Тошкентга бориб шартнома асосида бир миллион сўмлик дори олиб келди. Раҳбар тадбиркор бўлса, юкинг ерда қолмайди-да», — дейди Алишер Тошмаматов.

Мен Тошкентга бир олам таассуротлар билан йўлга чиқдим. Дунё яралибдики, инсон муҳитдан ўз ўрнини ахтариб яшайди. Қисқагина умридан келажакка мерос бўлиб нима қолаяпти? Одамлар нима деб эслашаркан? Бу саволлар ҳаммани ўйлатиши табиий. Ҳаёт тарзини тўғри йўлга қўйиш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам «Ажаб саодат эрур яхшилик бирла қолса от», дейди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

2

3

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА